

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида

ШАРТНОМА № 20386

Тошкент ш.

2022 йил “16” 05

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “ARXITEKTURA YO’L LOYIHA” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва АЛ000671-сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор **Давлатов А.А.**, иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 12-майдаги 77362-сонли танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи “**Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Тинчликобод” МФЙ худудидаги 44-сонли мактаб биносини реконструкция қилиш.** (АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОС ни хисобга олган холда)” обьекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- Топохарита харажатлари;
- Геология харажатлари;
- (ЗВОС) харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошлангич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (**ҚҚС билан**) **394 000 000 (Уч юз туксан турт миллион)** сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичida шартнома баҳосининг 30 фоиз микдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солик қонунчилигини бузилишига йўл кўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи қўйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириқка ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътиrozларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қўйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич малумotларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзgartiriшга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараённида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидиuv ишлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектни ишлатиш жараённида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидиuv ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар

қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (үттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огохлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиши тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил эксперталарга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огохлантириш ва камчиликларни кисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган заарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечикирилган ҳар бир кун учун 0,4 фоиз микдорида, бирор қаштнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечикирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз микдорида, бирор қаштнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва заарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлик бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасdir.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлик ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал килишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равища расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зараКар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктиурса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузиша, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равища пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиласиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазиик ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилмагандага, ушбу тараф шартномани бир

тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда заарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувининг кўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха хам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласи.

10.6. Шартномага қуидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING
КОМПАНИЯ” ДУК

Юридик манзили: ЦБ г. Ташкента
100027, Тошкент ш. И. Каримов ёёнаси,
16а-уй. ОКОНХ 69000

30202186026277098801079605

УЧРЕДИТЕЛЬНЕ КАЗНАЧЕЙСТВА

МИНИСТЕРИСТВО ПО ФИНАНСАМ

МФО 00850 СТИР: 302593890

ОКЭД 71110

Ҳисоб ракам: 2020 8000 9002 1672 4001

“TRASTBANK” ХАВ Тошкент шаҳар

филиали

МФО 00850 СТИР: 302593890

ОКЭД 71110

Тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди

ҚҚС 326040014208.

Директор в.б.

Р.У. Кучкаров



БАЖАРУВЧИ

“ARXITEKTURA YO’L LOYIHA”
МЧЖ

Тошкент, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 28А-уй.
Телефон: (90) 971-66-50
Ҳисоб ракам: 2020 8000 9002 1672 4001
“TRASTBANK” ХАВ Тошкент шаҳар

филиали

МФО 00850 СТИР: 302593890

ОКЭД 71110

Тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди

ҚҚС 326040014208.

Директор: А.А.Давлатов





Тошкент шаҳар

“Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, "Тинчликобод" МФЙ худудидаги 44-сонли мактаб биносини реконструкция қилиш.(АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни хисобга олган холда).”

объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯХ” ИК танлов комиссияси

**ЙИГИЛИШИННИНГ
БАЁНИ**

Комиссия аъзолари:

С. Сагдиев

-Бош мухандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиги

Хамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиги

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутаҳассиси

Ҳолмаматова М.

-БРБЛ ва ТХРОТ 1-тоифали мутаҳассиси

КУН ТАРТИБИ

“Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, "Тинчликобод" МФЙ худудидаги 44-сонли мактаб биносини реконструкция қилиш.(АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни хисобга олган холда).” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р. Кучаров, С. Сагдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, А. Абдунабиев)

Компания томонидан 2022 йил 25 апрел куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 77362 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “POWER BUILD CONSTRUCTION” МЧЖ ғолиб ташкилот деб аниқланганлиги ва ғолиб ташкилот томонидан ютуқ бекор қилинганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли қонунинг 63-моддасига асосан комиссия томонидан аниқланган захирадаги ғолиб ташкилот “ARXITEKTURA YO’L LOYIHA” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юкоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 12 майдаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Тинчликобод” МФЙ худудидаги 44-сонли мактаб биносини реконструкция қилиш.(АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни хисобга олган холда).” объектиning лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича захира ғолиб ташкилот “ARXITEKTURA YO’L LOYIHA” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

Комиссия аъзолари.



С. Сагдиев



Ш. Қодиров



О. Хамидов



П. Абдузатторов



М. Ҳолматова

"ТАСЫНКАЛЫ
ТӨШКЕНД шаҳри хөкимини
бүрччи үйеңдер

"Көмүнадам"

Төшкент шаҳри Некрасов тарафидан
жоссартириш бой башкармаси

III.Ш.Шукурев


2022 й.



Төшкент шаҳар ҳоқимлиги "Янота буоругчалик хизмати" Ықнинг

2022 йилни МАНЗИЛЛИ РҮЙХАТИ

№	Обектар келишадиган жумла	Күршилди бондардан по фийзданни шахар	Образацион жумла	01.01.22-й жолдагы жумла	01.01.22-й жолдагы жумла	2022 йил учира келишадиган жумла	2022 йил фойдаланиш тотинириштан	01.01.23-й жолдагы жумла	01.01.23-й жолдагы жумла	Санкетчидан жумла	Текшер	Ташкент шаҳри
1	Төшкент шаҳри. Бостонири гумми. "Рик-та" МФД үзакти мини магазин биносинин юрши	Объект				1 201.276	Объект					
2	Төшкент шаҳри. Мирзо Улугбек шумалии. "Гул" МФД худудлаги 410-секонд МТТ биносинин жорий ташарруфи	Объект		51,000		51,000	Объект					Текшер
3	Төшкент шаҳри. Мирзо Улугбек шумалии. "Гул" МФД худудлаги 493-секонд МТТ биносинин биносинин ташарруфи	Объект		198,650		198,650	Объект					Текшер
4	Төшкент шаҳри. Мирзо Улугбек шумалии. "Гул" МФД худудлаги 557-секонд МТТ биносинин биносинин ташарруфи	Объект		184,275		184,275	Объект					Текшер
5	Төшкент шаҳри. Мирзо Улугбек шумалии. "Гул" МФД худудлаги 71-секонд мактаб биносинин ташарруфи	Объект		312,000		312,000	Объект					Текшер
6	Төшкент шаҳри. Мирзо Улугбек шумалии. "Гул" МФД худудлаги 225-секонд МТТ биносинин ташарруфи	Объект		72,850		72,850	Объект					Текшер



Маккоммиссар
и маси бойлиги



"ИК
ДОВ